

Таҳорат китоби

«Мухтасар ал-фикҳ ал-исламий» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



**Муҳаммад ибн Иброҳим
ат-Тувайжирий**



Таржима: Абу Абдуллоҳ Шоший
Таҳрир: Абу Муҳаммад Али Бухорий

كتاب الطهارة

مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



محمد بن إبراهيم التويجري



ترجمة: أبو عبد الله الشاشي
مراجعة: أبو محمد علي البخاري

Покланишга доир ҳукмлар

Покланиш — ҳиссий ва маънавий нопоклик, ифлосликлардан пок ва тоза бўлмоқдир.

Шариат нуқтаи назаридан покланишнинг турлари иккитадир:

Биринчи: Ташқи(зоҳирий) поклик: таҳорат ва ғусл қилиш ҳамда кийим, бадан ва ердаги нажосатларни сув билан тозалаш билан амалга оширилади.

Иккинчи: Ички(ботиний) поклик: қалбни ширк, куфр, кибр, ўзига бино кўйиш, гина, ҳасад, нифок, риё ва шунга ўхшаш ёмон сифатлардан халос қилиб, тавҳид, иймон, ростгўйлик, ихлос, яқийн, таваккул ва шу каби яхши сифатлар билан тўлдириш билан амалга оширилади. Бу эса, тавба ва истиғфorni кўпайтириш, Оллоҳ азза ва жаллани зикр қилиш, (Оллоҳнинг якка яратувчи эканлига далолат қилувчи) коинотдаги оят-аломатларга ва шаръий оят-далилларга назар солиш ва тафаккур қилиш билан мукамал бўлади.

Покланиш бобидаги тозалик деганда икки нарса назарда тутилади:

Биринчи: Шаръан тозаланиши керак бўлган нарсалар. Унга тирноқларни олиш, мўйлабни қисқартириш, қўлтиқ ости тукларини юлиш ва чов соҳасидаги тукларни олиш каби фитратдаги суннатларни қилиш киради.

Иккинчи: Табиатан тозаланиши керак бўлган нарсалар. Унга тер, ёмон хид, сийдик ва ахлат қолдиқларини кетказиш кабилар киради.

Энг чиркин нажосат:

Энг чиркин нажосат Оллоҳга ширк келтиришдир. Ҳар бир мушрик ҳам ҳиссий, ҳам маънавий нажасдир.

Мушрик кимса манавий жиҳатдан нажасдир, чунки унинг Оллоҳга келтирган ширки энг бадбўй, энг кабиҳ, энг ифлос, энг чиркин нарсадир. Зеро маънавий нопоклик ҳиссий нопокликдан минг чандон батардир.

Шунингдек, мушрик кимса ҳиссий жиҳатдан ҳам нажасдир. Чунки у на таҳорат қилади, на жунубликдан, на сийдигу нажосатдан тозаланади, на нажас ва чиркин нарсалардан узоқ юради: ўлимтикни, қонни, чўчка гўштини ва бошқа ҳаром нарсаларни ейди.

Мушрик шунчалар қаттиқ маънавий ва ҳиссий нопоклигидан Оллоҳ таоло уни Масжидул Ҳаромга киритилмаслиги ва унга яқинлаштирилмаслигини фармон берди:

“Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нопок кимсалардир, бас, (улар) бу йилдан сўнг Масжидул-Ҳаромга яқин келмасинлар! Агар сизлар (мушриклар ҳаж мавсумида Маккага келтирадиган озиқ-овқатлар ва бошқа нарсалар тўхтаб қолиши сабабли) камбағалликдан кўрқсангизлар, (билингки) яқинда (Оллоҳ) хоҳласа, Ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилажак. Албатта, Оллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир” (Тавба сураси, 28).

Оллоҳ таоло инсонни ўлганидан кейин ширкидан бошқа барча гуноҳларини кечириши мумкин:

“Албатта Оллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Оллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди” (Нисо сураси, 48).

Раббисига муножот қилувчи банданинг ҳолати:

Қалб ва бадан поклиги ҳар бир банданинг дунёю охиратда нажот топиши учун лозим бўлган нарсалардир.

Агар инсон баданининг ташқи томонини сув билан, ички томонини эса тавҳид ва иймон билан покласа, руҳи мусаффо, нафси бахтиёр, қалби хотиржам бўлади ва Раббининг муножотига покиза бадан ва қалб, тоза либос ва маконда энг яхши кўринишда хозирланган бўлади. Бу оламлар Раббисига бўлган юксак одоб, етук улуғлаш ва таъзим қилишдирки, шу билан поклик иймоннинг ярмига тенг бўлди ва Оллоҳ покиза инсонни яхши кўрди:

Оллоҳ таоло айтади: **“Албатта Оллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади”** (Бақара сураси, 222).

Абу Молик Ашъарий разияллоҳу анху ривоят қилиб айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Поклик иймоннинг ярмидир. Алҳамдулиллаҳ мезонни тўлдиради”, дедилар” (Муслим ривояти).

Бадан ва руҳнинг офияти:

Оллоҳ таоло инсонни бадан ва руҳдан иборат қилиб яратди. Баданда икки томондан келган кирлар йиғилади: тер сингари ичкаридан ажралиб чиққан, чанг-ғубор каби ташқаридан келган кирлар тўпланadi. Унинг офият ичра соғлом бўлиши учун такрор-такрор ювиб туриш керак бўлади.

Руҳ ҳам икки жиҳатдан таъсирланади: қалбда бўладиган ҳасад ва кибр сингари касалликлардан ва инсон содир этадиган зулм ва зино каби ташқи гуноҳлардан. Руҳнинг офиятда саломат бўлиши учун тавба ва истиғфorni кўпайтириш лозим бўлади.

Покланиш Ислom гўзалликларидан бўлиб, пок сувни бетаҳоратликни ва нажосатни кетказишда шариатга мувофиқ тарзда ишлатишдир. Бу бўлимда кўзланган мақсад ҳам шудир.

Сувнинг турлари:

Сувлар икки қисмга бўлинади:

Биринчи: Пок (тоҳир) сув. Бу сув ёмғир, денгиз, дарё, ер остидан ўзи қайнаб чиққан ёки асбоб билан чиқарилган булоқ суви каби асл табиатида қолган сувдир. У хоҳ чучук, хоҳ шўр, хоҳ иссиқ, хоҳ совуқ бўлсин, баробар. Мана шу сув таҳоратга яроқли покиза сувдир. Сув қувурларининг занглаши ёки сув хавзаларида туриши ва шунга ўхшаш сабаблар билан баъзи хислатлари ўзгарган сув ҳам покиза сув туркумига киритилади.

Агар сувга хина, сиёҳ, бўёк, совун ва шу каби нарсалар тушиши натижасида ўзгарган ва бу ўзгариш

қисман бўлса ҳамда мутлақ сув исмидан чиқармаган ва унинг барча қисмларини эгаллаб олмаган бўлса, бундай сув покиза ҳисобланади ва бетаҳоратликни кетказиб, нажосатни аритади.

Бордию, мутлақ сув исмидан чиқарган ва унинг барча қисмларини эгаллаб олган бўлса, бундай сув бетаҳоратликни кетказмасда нажосатдан покланишда ишлатилаверади. Чунки нажосатни кетказиш бетаҳоратликни кўтаришдан кенгроқдир.

Иккинчи: Нопок (нажас) сув. Бу сув нажосат тушиши оқибатида ранги ёки таъми ёда ҳиди ўзгарган сувдир. Сув хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин, баробардир. Бу сувнинг ҳукми: у билан покланиб бўлмайди.

Чиқинди сувларни ишлатишнинг ҳукми:

Одамларнинг сийдик ва ахлатларидан йиғилган сувлар ифлос, зарарли, нажасдирки, тозаланган тақдирда ҳам таҳоратда, тозалик ишларида ва ҳайвонлар ва экинларни суғоришда ишлатиб бўлмайди. Агарда тиндириш, филтрлаш ва шунга ўхшаш йўллар билан унинг ранги, таъми ва ҳиди тозаланса ҳам, ундаги касалликлару зарарли микроблар сақланиб қолаверади. Чунки у сийдик ва ахлатдан ажратиб олингандир. Уни ерга ёки денгизга оқизиш мумкин эмас, чунки тупроқ ва денгиз суви таҳоратда ишлатиладиган покловчидир.

Покланишга доир ҳукмлар:

- 1- Агар киши сувнинг пок ёки нопоклигида шубҳа қилиб қолса, аслга кўра иш кўради, яъни сувни пок деб қабул қилади;

- 2- Икки идишдан бирига нажас тушган, лекин қайси бири покиза сув эканлигида шубҳа қилган ва булардан бошқа суви бўлмаган киши, мана шуниси покиза сув бўлиши керак, деб гумони голиб бўлганига таҳорат қилади;
- 3- Нажас сув, ундаги ўзгарган қисмни ўзини олиб ташлаш билан, ёки нажасни олиб ташлаш билан, ёки ўзгаргариш батамом йўқолгунича устига сув қўшиш билан покланиши мумкин;
- 4- Кичик ёки катта бетаҳоратликдан покланиш сув билан бўлади. Агар сув топилмаса, ёки сувни ишлата олмаса, ёки сув қўлланганда зарар бўлишидан қўрққанда таяммум қилинади.
- 5- Баданга ёки кийимга теккан ёхуд ерга тушган нажосат сув билан, ёки бирор покиза суюқлик билан, ёки (тупроқ, тош, қоғоз, латта каби) покиза қаттиқ жисм билан покланади.
- 6- Кичик ва катта бетаҳоратлик сув бор бўлганда фақат сув билан, йўқ бўлганда эса таяммум билан кетказилади. Таҳорат ва ғусл бензин, суюқ газ ва шунга ўхшаш нефть маҳсулотлари билан қилинмайди. Улар нажосатни тозалашлари мумкин, лекин бетаҳоратликни кетказмайди.
- 7- Қуёш нурида ёки қуёш энергиясида исиган сув, покизадир ва бетаҳоратликни ҳам, нажосатни ҳам кетказди. Чунки сувлардаги асл, уларнинг покизалигидир.
- 8- Кийим, тўшак ва шунга ўхшаш нарсаларга нажосат тегса, сув билан ювиш уни бузса ёки

- зарар берса, уни қуруқ йўл (химявий тозалаш) билан покланади. Яъни унда сув ўрнига буг билан тозаланади. Агар бу ҳам имконсиз бўлса, ишқалаб ташлаш билан покланади.
- 9- Агар икки кийимдан бирига нажас ёки ҳаром нарса теккану, қайси бирига текканини билол-маса ва шу икки кийимдан бошқа кийими бўлмаса, мана шуниси тоза деб гумони ғолиб бўлганини кийиб намозини ўқийди ва намози саҳиҳ-мақбулдир, иншаоллоҳ.
- 10- Гўшти истеъмол қилинадиган ҳайвонларнинг сийдиги, тезаги, манийси ва инсон манийси покдир. Мушукдан қолган (сув, сут ва шулар каби) нарсалар ҳам покдир.
- 11- Таҳоратда ҳар қандай покиза идишни ишлатса бўлади. Фақат тортиб олинган ёки тилла ва кумуш идишларни ишлатиш ҳаромдир. Кимдир бундай идишлардан бирида таҳорат қилса, таҳорати саҳиҳ-мақбул бўлиши билан бирга гуноҳкор ҳам бўлади.
- 12- Кофирларнинг идишлари ва кийимларини ҳолати (нажас теккан ёки тегмаганлиги) номаълум бўлса ҳам ишлатиш мубоҳдир, чунки аслида покизадир. Агар уларга нажосат теккани маълум бўлиб қолса, сув билан ювиб ташлаб, ишлатаверади.
- 13- Нажас теккан калиш, маҳси, оёқ кийим сув билан ювиш ёки нажосатнинг асари қолмагунча ерга ишқалаб ташлаш билан покланади.

Тилла ва кумуш идишларни қўлланиш

ҳукми:

Эркак ва аёлларга еб-ичишда ҳамда кундалик турмушнинг барча ҳолатларида тилла ва кумуш идишларни ишлатиш ҳаромдир. Фақат аёллар тилла ва кумуш тақинчоқлар билан безанишлари, эркаклар эса кумуш узук қўлланишлари ҳамда зарурат туғилганда тилла тиш қўйдириш мумкиндир.

Ҳузайфа ибн Ямон разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деётганларини эшитдим: “Ипак ва дебож (шоҳи) кийманглар! Тилла ва кумуш идишда ичманглар! Тилла ва кумуш товоқларда еманглар! Чунки, булар бу дунёда улар(кофирлар) учун, охиратда эса биз учундир” (Муттафакун алайҳи).

Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кумуш идишда (сув, шарбат, сут ва ҳоказоларни) ичаётган киши, қорнига жаҳаннам ўтини кутиллатиб ютаётган бўлади” (Муттафакун алайҳи).

Ўнг томонни чап томондан муқаддам қилинадиган ўринлар:

Инсоннинг қилмишлари икки турлидир:

Биринчиси: Ўнг ва чап томон муштарак бўлган ишлар. Таҳорат ва ғусл қилиш, кийим ва пойабзал кийиш, масжидга ва уйга кириш ва шунга ўхшаш эътиборли ишларда ўнг томондан бошлаш афзалдир. Буни акси бўлган масжиддан чиқиш, оёқ кийимни

ечиш, ҳожатхонага кириш каби ишларда чап томон муқаддам қилинади.

Иккинчиси: Ўнг ва чап томоннинг биттасига хос бўлган ишлар. Еб-ичиш, кўришиш, олди-берди ва шунга ўхшаш эътиборли ишларда ўнг қўл ишлатилади.

Нажосатни артиш, закар (эркаклик аъзоси)ни ушлаш, бурунни қоқиш ва шунга ўхшаш беътибор ишларда чап қўл ишлатилади.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилиб айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимни кийишда, соч-соқолни тарашда, таҳорат олишда ва барча ишларида ўнг томондан бошлашни яхши кўрар эдилар” (Муттафақун алайҳи).

Нажосат турлари:

Мусулмон киши ундан покланиши ва бирор жойига тегадиган бўлса, изи ҳам қолмагунича ювиши вожиб бўлган ҳиссий нажосатлар қуйидагилардир: одамзотнинг сийдиги ва ахлати, отилиб чиққан қон, хайз ва нифос қони, вадий ва мазий, балиқ ва чигитканикидан бошқа ўлимтиқлар, чўчка гўшти, хачир ва эшак каби гўшти ейилмайдиган ҳайвонларнинг сийдиги ва тезаги, итнинг сўлаги. Итнинг сўлаги теккан жой етти марта ювиб ташланади, биринчиси тупроқ билан.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки кабрнинг олдидан ўтдилар ва шундай дедилар: “Бу иккиласи азобланияпти, бироқ катта нарса сабабли

эмас, биттаси сийдигидан эҳтиёт бўлмасди, наригиси эса чақимчилик қилиб юрарди”. Кейин ҳўл хурмо новдасини олиб, иккига бўлдиларда қабрларга тикиб қўйдилар. Шунда саҳобалар: “Эй Оллоҳнинг расули! Нега бундай қилдингиз?”, дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Шояд булар қуригунча улардан азоб енгиллатиб турилса”, дедилар” (Муттафақун алайҳи).

Бу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос бўлган ишлардан, чунки қабрдаги азобни кўриш ғайб ишидир.

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирингизнинг идишини ит ялаган бўлса, биринчисини тупроқ билан ишқалаб, етти марта ювиш билан покланади”, дедилар” (Муттафақун алайҳи).



Истинжо ва истижмор аҳкомлари

Истинжо: сабилайн — олд ва орқа чиқарув йўлидан чиққан нажосатни сув билан тозалamoқдир.

Истижмор: сабилайн — олд ва орқа чиқарув йўлидан чиққан нажосатни тош, қоғоз ва шунга ўхшаган нарсалар билан тозалamoқдир.

Ҳожатхонага кириш асносида ва чиққанда айтиладиган ва қилинадиган ишлар:

1- Ҳожатхонага киришда чап оёқни биринчи кўйиш ва қуйидаги дуони айтиш суннатдир:

"اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ"

Маъноси: “Эй Оллоҳ, мен Сендан эркак ва урғочи жинлардан паноҳ беришингни сўрайман” (Бухорий ва Муслим ривояти).¹

2- Ҳожатхонадан чиқишда эса ўнг оёқни биринчи кўйиш ва қуйидаги дуони айтиш суннатдир:

"غُفْرَانَكَ"

Маъноси: “(Эй Оллоҳ!) Мағфират этишингни сўрайман” (Абу Довуд ва Термизий ривояти).²

¹ Бухорий (142), Муслим (375).

² Саҳиҳ. Абу Довуд (30) ва бу унинг лафзи, Термизий (7).

Истинжо ва истижмор аҳкомлари

1- Масжидга кириш, кийим ва пойабзал кийиш ва ҳожатхонадан чиқишда ўнг оёқни олдин қўйиш суннат бўлса, масжиддан чиқиш, кийим ва пойабзални ечиш ва ҳожатхонага киришда чап оёқни олдин қўйиш суннатдир.

2- Очиқликда ёки чўлу биёбонда ҳожатга бормоқчи бўлган киши кўздан йироқ, одамлардан тўсилган жойга бориши ва сийдик сачрашининг олдини олиш мақсадида кичик ҳожат учун юмшоқроқ ерни ахтариши суннатдир.

3- Эркак киши ўтириб бавл қилиши суннатдир. Сийдик сачрамаслигидан ва одамларнинг назари тушмаслигидан хотиржам бўлса, тик туриб бавл қилиши жоиздир.

4- Эркагу аёлга одамлар олдида авратини очишлиги ҳаромдир.

5- Ҳожатхонага Қуръон билан кириш ҳаромдир. Агар ташқарига қўйиб кирганда ўғирлаб кетилишидан қўрқса, Қуръон билан ҳожатхонага кирса бўлади. Агар ҳожатхонадан чиққунича Қуръонига қараб турадиган ва чиққанида унга топширадиган бирини топса, яна ҳам яхши.

6- Ҳожатхонага ичида Қуръон ёки ҳадис юкланган жиҳоз ёки қўл телефон ёки касета ва шуларга ўхшаш нарсалар билан кирса бўлади, чунки улар инсоннинг ичига (яъни хотираси, миясига) ўхшайди.

7- Ҳожатхонага Оллоҳ таолонинг номи бўлган бирор нарса билан кириш жоиз бўлсада, кирмаслик афзалдир.

8- Ковакка бавл қилиш, олатини ўнг қўл билан ушлаш, ўнг қўл билан истинжо ва истижмор қилиш, очикликда таҳорат синдираётган бўлса, ерга яқинлашмасдан олдин этагини кўтариш ёки шимини тушириш, катта ёки кичик ҳожат асносида саломга алик олиш макруҳдир. Бундай ҳолатда ҳожатини битириб, поклангандан кейин саломга алик олади.

9- Гўдак ўғил бола бўлса, унинг сийдиги устига сув қўйиб юборилади, қиз бола бўлса, сув тўкиб ювилади. Бу ҳукм ҳали овқат емайдиган гўдакларга тегишли, агар овқат еб бошлаган бўлса, ҳар иккисиники ҳам ювилади.

Қиблага қараб ёки орқа ўгириб таҳорат ушатишнинг ҳукми

Очикликда бўлса ҳам, бино ичида бўлса ҳам қиблага қараб ёки орқа ўгириб таҳорат ушатмоқ харомдир.

Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Агар ҳожатхонага борсангиз, қибла томонга олдингизни ҳам, орқангизни ҳам қаратманглар! Балки шарқ ёки ғарб томонга қараб ўтиринглар!”³ дедилар.

³ Мадина шаҳридагилар шарқ ёки ғарб томонга қараб ўтирсалар, қибладан бошқа томонга юзланган бўлишади. (Таржимон)

Абу Айюб разияллоху анҳу айтадилар: “Биз Шом диёрига бориб ҳожатхоналарни қибла томонга қараб қурилган ҳолатда топдик. Шунда қибладан бошқа томонга бурилиб ўтирар ва Оллоҳ таолодан мағфират сўрар эдик” (Муттафақун алайҳи).⁴

Таҳорат ушатмоқ ҳаром бўлган жойлар

Масжид, йўл, соя жойлар, мевали дарахт таги, одамлар ўтадиган жойлар, боғлар ва шунга ўхшаш одамлар дам олиб, хордиқ чиқарадиган ва савдо-сотик қиладиган жойлар сингари омма фойдаланадиган умумий жойларга катта ёки кичик таҳоратни ушатмоқ ҳаромдир.

Истижмор сифати

Истижмор покиза учта кесак билан қилинади. Учта, бешта ва ҳоказо тоқ сондаги кесак ишлатиш суннатдир. Суяк, тезак, таом ва ҳурмат-эътиборли нарсалар билан истижмор қилиш (нажосатни тозалаш) ҳаромдир.

Сабилайн — олд ва орқа чиқарув йўлларида чикқан нарсаларни сув, тош (кесак), латта ва қоғоз билан тозаласа бўлади. Сув билан тозалаш афзалдир, чунки у энг яхши тозаловчидир.

Қазои ҳожатдан кейин қўлларни совун ва шунга ўхшаш тозаловчи воситалар билан ювмоқ мустаҳабдир.

⁴ Бухорий (394), Муслим (264).

Кийимга теккан нажас жойларни сув билан ювиб ташлаш вожибдир. Бордию нажас теккан жой билинмай кетган бўлса, кийимнинг ҳаммаси ювилади.

Ёзувли қоғоз ва варақларга баъзи моддалар қўшилиб, қориштирилиб, сўнгра тозаликда ва нажосатни кетказишда ишлатиладиган юпқа қоғоз салфетка шаклига келтирилса, уни ишлатиш жоиздир. Бироқ Куръон ва шаръий илмлар ёзилган китоб варақларини бу шаклда ишлатиш ҳаромдир. Чунки унда шариатни оёқ ости қилиш ва ҳурматини тўкиш бор.



Фитратдаги суннатлар

Фитратдаги, яъни хилқатда бўлган суннатлар: энг чиройли кўринишда ва энг афзал ҳолатда бўлиш билан кишининг хилқатини комил қилишига ҳамма шариатлар иттифоқ қилган ҳамда Оллоҳ таоло инсонларни улар узра яратган хислатлардир.

Фитратдаги суннат амаллар қуйидагилардир:

1- Мисвок ишлатиш

Мисвок арок, зайтун ва шунга ўхшаш дарахтлардан олинган юмшоқ новдадир. Мисвок оғизнинг тозалиги ва Оллоҳнинг розилигига сабаб бўлади ҳамда банда у билан савоб олиб ибодат қилган бўлади.

Мисвокланиш сифати:

Мисвокни ўнг ёки чап қўл билан тутиб, тишлар ва милклар устидан юргизилади, яъни ишқаланади. Мисвок ишлатишни оғизнинг ўнг томонидан бошланади, сўнгра чап томонига ўтилади. Баъзан тилнинг усти ҳам мисвокланади.

Мисвок ишлатиш ҳукми:

Мисвокни ҳамма вақт ишлатиш суннатдир. Фақат таҳорат олаётганда, намоздан, Куръон ўқишдан ва уйга киришдан олдин, кеча уйкусидан турган маҳал ва оғиз ҳиди ўзгарганда мисвокланиш таъкидланган суннат амалдир.

Абу Хурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Агар умматимга (ёки одамларга) қийин қилиб қўйиш андишаси бўлмаганида эди, уларни ҳар намоздан олдин мисвок ишлатишга буюрган бўлардим”, дедилар (Муттафақун алайҳи).⁵

2- Мўйловни қисқартириш ва соқол қўйиш

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анҳумодан ривоят қилинади, Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мушрикларга хилоф қилган ҳолда соқолни ташлаб қўйинглари ва мўйловни қиртишлаб олинглари!” дедилар (Муттафақун алайҳи).⁶

3- Хатна қилиш

Хатна — жинсий олат бошини ёпиб турадиган терини кесиб ташламоқдир. Бу ўша тери остида ифлослик ва сийдик қолиб кетмаслиги учун қилинади.

Хатна қилиш эркакларга вожиб бўлса, аёлларга суннатдир.

4- Қов соҳасидаги тукларни олиш, қўлтиқ ости тукларини юлиш ва тирноқларни олиш

Абу Хурайра разияллоху анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳи ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Бешта нарса фитратдандир: хатна қилиш, аврат атрофидаги тукларини тозалаш, қўлтиқ

⁵ Бухорий (887) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (252).

⁶ Бухорий (5892) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (259).

ости тукларини юлиш, тирноқларни олиш ва мўйловни қисқартириш”, дедилар (Муттафақун алайҳи).⁷

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу шундай дейди: “Бизга мўйловни қисқартириш, тирноқларни олиш, қўлтиқ ости тукларини юлиш ва аврат атрофидаги тукларини киришни қирқ кундан ортиқ қолдириб юбормаслигимиз белгиланди” (Муслим ривояти).⁸

Мўйловни қисқартириш, тирноқларни олиш, қўлтиқ ости тукларини юлиш ва қов соҳасидаги тукларни олишнинг учта вақти бордир:

Биринчи: Суннат бўлган вақт. Туклар ва тирноқлар узун бўлиши билан олишлик.

Иккинчи: Макруҳ бўлган вақт. Туклар ва тирноқларга қирқ кундан кўпроқ муддат тегинмаслик.

Учинчи: Ҳаром бўлган вақт. Ҳаддан зиёда ўсиб, кўпайиб кетгунича ташлаб қўйиш. Бу ҳаромдир, чунки бундай қилишда кофирларга ва ҳайвонларга ўхшашлик бордир.

5- Мушканбар ва ундан бошқа хушбўйликларни суртиш

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда шундай дейди: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва

⁷ Бухорий (5889) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (257).

⁸ Муслим (258).

салламнинг хушбўй солинган бир идиши бўлиб, ундан хушбўйланар эдилар” (Абу Довуд ривояти).⁹

6- Оқарган соч ва соқолни хина, бўёқ ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўямок

Оқ ва бошқа рангга ўзгарган соч ва соқолни бўяш суннатдир. Урушда сочни қорага бўяш жоиздир. Аммо чирой учун қорага бўяшдан узоқ турмоқ афзалдир. Қора ранг ўрнига хина ва катам (қизғимтир қора ёки каштан ранг)га бўяса бўлади.

Алдов, айбни яшириш учун қора рангга бўяшлик эса, эркагу аёлга ҳаромдир.

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қилган муттафакун алайҳи ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Яҳудийлар ва насронийлар соч-соқолларини бўямайдилар, шундай экан уларга хилоф қилинглар”, дедилар (Муттафакун алайҳи).¹⁰

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоху анхумодан ривоят қилинади: “Макка фатҳи куни Абу Кухофа Пайғамбаримиз ёнига олиб келинди. Унинг соч ва соқоли оқ гулли суғома ўсимлиги сингари оппоқ эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Буни (яъни соч ва соқолини) бирор нарса билан ўзгартиринглар!”, дедилар (Муслим ривояти).¹¹

Абу Зарр разияллоху анхудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Бу оқ соч

⁹ Абу Довуд (4162).

¹⁰ Бухорий (5899) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (2103).

¹¹ Муслим (2102).

ва соқолни ўзгартирадиган нарсаларнинг энг яхшилари хина ва катамдир¹²», дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривояти).¹³

Соқол қўйишнинг ҳукми:

Соқолни мўл ва тўлиқ қўйиш анбиё ва расулларнинг хусусиятларидан биридир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўл соқоллари бор эди. У зот эркакларнинг энг кўрками, гўзал кўринишлиси ва чиройли юзлиси эдилар.

Соқол гўзаллик бўлиб, эркаклар билан аёллар орасини ажратиб турувчи энг катта хусусиятдир.

Ажабланарлиси шундаки, шайтон йўлдан оздирган ва майлларини бузган кўпгина мусулмонлар соқолларини олиб, Оллоҳнинг яратган хилқатини ўзгартирдилар, кофирлар ва аёлларга ўзларини ўхшатдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга осий бўлдилар, эркаклик жасоратидан ва эрлик шарафидан аёллар нозиклигига қочдилар ва соқолларини олиб юзларини маҳруму мажруҳ қилдилар, вақтларию молларини зое қилдилар ва ўзларини аёлларга ўхшатиш билан Оллоҳнинг лаънатига сазовор бўлдилар.

Оллоҳга ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга тоат ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга

¹² Катам деган ўсимликдан олинадиган қизғимтир қора ёки каштан рангли бўёқдир.

¹³ Абу Довуд (4205) ва Термизий (1453).

эргашишлик жихатидан соқол кўйиш вожиб, соқолни олиш эса ҳаромдир.

Оллоҳ таоло айтади: **“Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар ва Оллоҳдан кўрқинглар! Албатта Оллоҳнинг жазоси қаттиқдир”** (Ҳашр сураси, 7).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анҳумодан ривоят қилинади, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мушрикларга хилоф қилган ҳолда соқолни тўлиқ кўйинглар ва мўйловни қиртишлаб олинглар!”, дедилар (Муттафақун алайҳи).¹⁴

Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мўйловни қисқартириб, соқолни ташлаб кўйиб мажусийларга хилоф қилинглар!”, дедилар (Муслим).¹⁵

Сочни ёғлаб, тараб парваришламоқ:

Оиша разияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам эътикофда бўлганларида бошларини менга яқинлаштирар (яъни хужрамга бошларини киргизар) ва мен сочларини тараб кўярдим. (Эътикофда бўлган пайтлари) Уйга фақат инсоний ҳожати учунгина кирарди” (Муттафақун алайҳи).¹⁶

¹⁴ Бухорий (5892) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (259).

¹⁵ Муслим (260).

¹⁶ Бухорий (5925), Муслим (297) ва бу ҳадис унинг лафзи.

Кофирларга муҳолиф йўл тутиш бобидан сочни бир томонини олиб, бошқа томонини олмаслик макруҳдир. Кофирларга тақлид қилиб шундай қилиш эса ҳаромдир.

Сочни тагидан олдиришнинг ҳукми:

Сочни тагидан олдиришнинг олти ҳолати бор:

Биринчи: Оллоҳ таолога тоат ва қурбат. Бу тўрт ўринда бўлади: ҳаж ва умра қилганда, етти кунлик чақалоқ ва кофир мусулмон бўлганда сочни олдиришдир.

Иккинчи: Ширк. Бу Оллоҳдан бошқа валий ёки бут учун ўзининг хорлигини изҳор қилиб сочини олдириш.

Учинчи: Бидъат. Бу юқорида зикри ўтган тўрт ўридан бошқа ҳолатларда ибодат ва тарки дунё қилиш мақсадида сочни олдиришдир. Бунга мисол: сочни олдиришни солиҳларнинг аломати деб билиш, ёки хаворижлар қилганига ўхшаб зоҳидликнинг комиллигидан деб билиш, ёки тавба қилувчи тавбадан кейин сочини олдириши. Булар бидъатдир.

Тўртинчи: Ҳаром. Яқини ва қариндошининг вафот этиши каби мусибат пайтида сочини олдириш, кофир ёки фосиқларга тақлид қилиб сочини олдириш.

Бешинчи: Мубоҳ. Бирор касалликдан даволаниш ёки битлаш ва шунга ўхшаш азиятлардан қутулиш мақсадида сочни олдириш.

Олтинчи: Сабабсиз, мазкур сабаблардан бирор-таси бўлмасдан, эҳтиёжсиз сочни олдириш. Бунда

эхтиёж бўлмагунича олдирмаслик афзалдир, чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ва умра ибодатидагина олдирганлар, бошқа пайтлар олдирмаганлар.



Таҳорат аҳкомлари

Таҳорат — инсон муайян аъзоларига покиза сувни ўзига хос тарзда ишлатиш орқали Оллоҳ таолога ибодат қилмоқдир.

Таҳоратнинг фазилати:

1- Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозида Билолга “Эй Билол, Исломда қилган амалингдан энг умидвор бўлганингни менга айтасанми, чунки мен жаннатда олд томонимда сенинг кавушларинг товушини эшитдим”, дедилар. “Менинг ундай умидвор бўлган бирор амалим йўқ, фақат мен кечанинг ёки кундузнинг қайси соатида таҳорат олсам, албатта, ўша таҳоратим билан менга насиб қилган намозни ўқийман”, деди” (Муттафақун алайҳи).¹⁷

2- Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар мусулмон ёки мўмин банда таҳорат оларкан юзини ювса, кўзлари билан қараб содир этган барча гуноҳлари юзидан сув билан ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади, икки қўлини ювса, қўллари билан ушлаб орттирган барча гуноҳлари қўлларидан сув билан ёки охирги томчи сув билан чиқиб кетади, икки оёғини ювса, оёқлари билан юриб содир этган барча гуноҳлари сув билан ёки охирги томчи сув билан

¹⁷ Бухорий (1149) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (2458).

чиқиб кетади, ҳатто (таҳорат қилиб бўлганда) гуноҳлардан топ-тоза бўлган ҳолда чиқади”, дедилар” (Муслим ривояти).¹⁸

Таҳоратнинг фарзлари:

Таҳоратнинг фарзлари олтитадир. Улар тартибига кўра қуйидагичадир:

1. Юзни ювмоқ. Оғиз ва бурунга сув олиб ювиш ҳам бунга дохилдир;
2. Қўлларни чиғаноқлари билан қўшиб ювмоқ;
3. Бошга масҳ тортмоқ. Қулоқларга масҳ тортиш ҳам бунга дохилдир;
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювмоқ;
5. Мазкур аъзоларни ювишдаги тартиб;
6. Аъзоларни ювишда узлуксизлик.

* Таҳорат аъзолари¹⁹дан бирини йўқотган киши зиммасидан фарз соқит бўлади, яъни ўша аъзони ювмайди ҳам, таяммум ҳам қилмайди. Чунки фарз бўлган ўрин йўқдир. Йўқ бўлган аъзо ўрнига сунъий мослама қўйилган тақдирда ҳам уни ювиш ҳам, унга масҳ тортиш ҳам, таяммум қилиш ҳам вожиб бўлмайди.

* Лаклар, бўёқлар ва ясама тирноқлар сингари баданга сув тегишини тўсадиган ҳар қандай нарсалар

¹⁸ Муслим (244).

¹⁹ Яъни таҳоратда ювиладиган ёки масҳ тортила-диган аъзолар: юз, икки қўл, бош ва икки оёқ.

билан олинган таҳорат ҳам, ғусл ҳам саҳиҳ, дуруст бўлмайди. Балки уларни кетказишлик вожиб бўлади.

Таҳоратнинг суннатлари:

Таҳоратнинг суннатларидан қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: мисвок ишлатиш, юзни ювишдан олдин оғизни, сўнгра бурунни чаймоқ, бармоқлар орасини таҳлил қилмоқ, ўнг томондан бошламоқ, аъзоларни икки ва уч мартадан ювмоқ, таҳоратдан кейин дуо қилмоқ ва икки ракаат намоз ўқимоқ.

Таҳоратга ишлатиладиган сув миқдори:

Аъзоларни уч мартадан кўп ювмаслик, бир муд²⁰ сувга таҳорат қилмоқ ва сувни исроф қилмаслик суннатдир. Ким аъзоларни ювишни уч мартадан кўпайтирса, батаҳқиқ, ҳаддидан ошган, зулм қилган ва ёмонлаштирган бўлади.

* Кимдир тилла бармоқ ёки бурун қўйдиришга, ёхуд олинадиган тиш протезига муҳтож бўлиб қўйдирган ва таҳорат ёки ғусл қилмоқчи бўлса, уларни таҳлил қилиши ёки қимирлатиши машруъ эмас. Узук ва соат ҳам шу жумладандир.

Уйқудан турганда қиланадиган амаллар:

Ким уйқудан турса ва таҳорат олмоқчи бўлса, дастлаб қўлларини уч марта ювиши лозим.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

²⁰ Ўртача бир ховуч сув. Тақрибан 600-750 мл.

“Сизлардан бирингиз уйқусидан турса, қўлларини уч марта ювмасдан туриб (сув) идишга қўлини солмасин. Чунки у, қўли тунни қаерда ўтказганини билмайди”, дедилар” (Муттафақун алайҳи).²¹

Фарз бажарилишига етарли таҳорат кайфияти:

Мусулмон киши дастлаб қалби билан таҳорат олишликни ният қилади, сўнгра оғиз ва бурнига сув олиб чайқайди ва юзини ювади, сўнгра бармоқ учларидан то тирсакларигача ювади, сўнгра кулоқлари билан бирга бошига масҳ тортиб, оёқларини тўпиклари билан ювади. Бу аъзоларни ҳар бирини бир мартадан ювади.

Мукаммал таҳорат кайфияти:

Мусулмон киши дастлаб қалби билан таҳорат олишликни ният қилади, сўнгра қўлларини уч марта ювади, сўнгра бир қўл ҳовучи (бир сиким) сувнинг ярмини оғзига, қолган ярмини бурнига олиб, оғиз ва бурнини чайқайди. Буни уч ҳовуч сув билан уч марта қилади. Сўнгра юзини уч марта ювади, кейин ўнг қўлини тирсаклари билан уч марта, сўнгра чап қўлини тирсаклари билан уч марта ювади. Сўнгра икки қўли билан пешонадан бошлаб энсага тўғри бошига бир марта масҳ тортади ва қўлларини масҳни бошлаган жойгача қайтариб келади. Сўнгра кўрсаткич бармоқларини кулоқларининг ички қисмига киргизиб, бош бармоқни ташқи қисмига қилиб масҳ тортади.

²¹ Бухорий (162), Муслим (278) ва бу ҳадис унинг лафзи.

Сўнгра дастлаб ўнг, кейин чап оёғини тўпиғи билан уч марта ювади. Ва таҳоратни ниҳоясига етказиб, бармоқлари орасини тахлил қилади ва ворид бўлган дуоларни айтади. Қуйида бу дуолар айтиб ўтилади, иншаоллоҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратининг кайфияти:

Усмон разияллоҳу анҳунинг озод қилган қули Ҳумрондан ривоят қилинади. У Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳунинг таҳорат олганини кўрганини шундай тасвирлаб беради: “Усмон разияллоҳу анҳу бир идишда сув келтиришларини хоҳлади, кейин идишдан қўлларига сув қуйиб, уч марта ювди. Сўнгра ўнг қўлини идишга ботириб, сув олдида оғиз ва бурнига сув олиб чайқади. Сўнгра юзини уч марта ва қўлларини тирсаклари билан уч марта ювди. Сўнгра бошига масҳ тортиб, оёқларини тўпиклари билан уч марта ювди. Сўнгра шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким менинг шу таҳоратимга ўхшаш таҳорат олса, сўнгра ўзи билан ўзи гаплашмаган ҳолда икки ракаат намоз ўқиса, олдин содир этган гуноҳлари мағфират қилинади”, дедилар” (Муттафақун алайҳи).²²

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратининг турлари:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат аъзоларини бир мартадан, икки мартадан ва уч

²² Бухорий (159) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (226).

мартадан ювиб таҳорат олганликлари собит бўлган. Шунинг учун таҳоратнинг бу уч кўринишининг ҳаммаси суннатдир.

1- Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб айтади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (таҳорат аъзоларини) бир марта-бир марта ювиб таҳорат қилдилар” (Бухорий ривояти).²³

2- Абдуллоҳ ибн Зайд разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (таҳорат аъзоларини) икки марта-икки марта ювиб таҳорат қилдилар” (Бухорий ривояти).²⁴

Ҳар намозга таҳорат олиш ҳукми:

Бетаҳорат киши намоз ўқимоқчи бўлганда таҳорат олиши вожибдир. Ҳар фарз намози учун таҳоратни янгилаш эса суннатдир. Шу билан бир қаторда битта таҳорат билан бир неча намозни ўқиш жоиздир.

1- Оллоҳ таоло айтади:

“Эй мўминлар, намоз ўқимоқчи бўлганингизда юзларингизни ҳамда кўлларингизни чиғаноқлари билан ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни тўпиқлари билан ювингиз!” (Моида сураси, 6).

2- Амр ибн Омир Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилади. Анас разияллоҳу анҳу: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар намозга таҳорат олар эдилар”, деди. “Унда сиз нима қилар эдингиз?”, дея Анасдан

²³ Бухорий (157).

²⁴ Бухорий (158).

сўрадим. Анас разияллоҳу анҳу: “Бирортамизнинг модомики таҳорати бузилмас экан, ўша таҳорат (бир неча намозни ўқишга) кифоя қиларди” (Бухорий ривояти).²⁵

3- Бурайда разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳи кунини бир неча намозларни битта таҳорат билан ўқидилар ва пойабзалларига масҳ тортдилар. Шунда Умар разияллоҳу анҳу у зотга: “Дарҳақиқат, бугун олдин қилмаган нарсаларни қилдингиз”, деди. “Эй Умар, буларни қасддан, атайлаб қилдим”, дедилар” (Бухорий ривояти).²⁶

Таҳорат олиб бўлгандан кейин айтиладиган дуо:

1- Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким таҳорат олса ва “Ашҳаду анлаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарика лаҳ, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ”²⁷, деса, албатта у учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади, улардан истаганидан киради”, дедилар (Муслим ривояти).²⁸

2- Абу Саид разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким

²⁵ Бухорий (214).

²⁶ Бухорий (277).

²⁷ Дуонинг маъноси: “Тувохлик бераманки, ёлғиз Оллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ. У шериксиздир. Ва яна тувохлик бераманки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг қули ва Расулидир”.

²⁸ Муслим (234).

тахорат олиб, сўнгра: “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик, лаа илаҳа илла анта, астағфирука ва атувбу илайка”²⁹, деса, (бу калималар) оқ қоғозга (ёки нафис терига) ёзилиб, бир узукка муҳрланади ва қиёмат кунигача синдирилмайди”, дедилар” (Насоий “Амалул явм ва лайла”да ва Табароний “Авсат”да ривоят қилган).³⁰

Таҳоратни бузувчи нарсалар:

Таҳоратни бузувчи нарсалар олтитадир:

Биринчи: Сийдик, ахлат, ел, маний, мазий, қон ва шуларга ўхшаш сабилайн — олд ва орқа чиқарув йўлидан чиқувчи нарсалар;

Аммо икки чиқарув йўлига кирувчи дори шамчалар (суппозиторий) каби нарсалар таҳоратни синдирмайди ва рўзани очмайди.

Иккинчи: Чуқур уйқу (кома), ҳушдан кетиш, мастлик ва мажнунлик каби ақлнинг кетиши;

Учинчи: Воситасиз фарж (жинсий аъзо)ни ушлаш;

Тўртинчи: Жунублик, ҳайз ва нифос каби ғуслни вожиб қилувчи нарсалар;

Бешинчи: Исломдан чиқиб муртад бўлиш;

²⁹ Дуонинг маъноси: “Эй Оллоҳ, Сен поксан ва Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтаман. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавба қиламан”.

³⁰ Насоий “Амалул явм ва лайла” (81) ва Табароний “Авсат” (1478).

Олтинчи: Туя гўштини ейиш. Шунингдек, туянинг туёғига ўхшаган ҳар қандай ҳайвон гўштини ейиш таҳоратни синдиради.

1- Бусра разияллоҳу анҳо ривоят қилиб айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким фаржини ушласа, таҳорат олсин!”, дедилар” (Аҳмад ва Насоий ривояти).³¹

2- Жобир ибн Самура разияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қўй гўшти(ни ейиш) сабабли таҳорат оламанми?”, деб сўради. “Истасанг таҳорат ол, истасанг олма”, дедилар. “Туя гўшти(ни ейиш) сабабли таҳорат оламанми?”, деб сўради. “Ҳа, туя гўшти(ни ейиш) сабабли таҳорат ол!”, дедилар (Муслим ривояти).³²

Таҳоратида шубҳа қилган киши қачон таҳорат қилади?

Киши таҳоратли эканлигини аниқ билса ва таҳорати синган ёки синмаганлигида шубҳа қилиб қолса, ишончи комил бўлган ҳолат, яъни таҳоратли эканлигига қайтади. Бунинг акси, киши бетаҳорат эканлигини аниқ билсаю, таҳорат олган ёки олмаганлигига шубҳа қилиб қолса, ишончи комил бўлган ҳолат, яъни бетаҳорат эканлигига қайтади ва таҳорат олади.

³¹ Аҳмад (28294), Насоий (444).

³² Муслим (360).

Абу Хурайра разияллоху анху ривоят қилиб айтади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирингиз қорнида бир нарсани ҳис қилса ва нимадир чиқдимиди ёки чиқмадимиди, дея иккиланиб қолса, бирор товушни эшитмагунича, ёки қандайдир хидни сезмагунича масжиддан чиқмасин!” дедилар” (Муслим ривояти).³³

* Ҳар таҳорат кетганда ва ҳар намоздан олдин таҳорат олмоқ мустаҳабдир. Намоздан олдин бетаҳорат бўлса, унда таҳорат олмоқ фарз бўлади.

Киши хотинини агарчи шаҳват билан ўпса ҳам, модомики фаржидан бирор нарса чиқмас экан, таҳорати синмайди.

Таҳорат аъзоларида қолган ёғларнинг ҳукми:

Кремлар (мазлар) ва ёғларнинг баданда фақат ранги ёки намлиги ёки ёғлилиги қолган бўлса, улар баданга сув тегишини тўсмайди. Шундай экан, буларнинг қолиши жоиздир.

Зич, қуюқ ёғ ёки шам қатлами ва шунга ўхшаш моддалар бўлса, улар баданга сув тегишини тўсади. Шунинг учун таҳорат ва ғуслда уларнинг кетказиш вожибдир, чунки сув бу моддалардан ўта олмайди.

³³ Муслим (362).

Доимий бетаҳорат ҳолатида бўлган киши таҳоратининг ҳукми:

Сийдикнинг ажралиши учун қўйилган ва сийдикнинг ташқи бир идишга қуйилиб туришини таъминлаган пластик найлар (катетерлар)га, ёки ахлатни чиқариш учун қилинган сунъий орқа чиқарув йўлини қўйдиришга мажбур бўлган беморларга, ёки тутиб туриш имконсиз бўлган кучли қабзияти бор кишиларга ўхшаган ҳолатдагилар доимий бетаҳорат ҳисобланадилар.

Бундай ҳолатдаги кишилар таҳорат қилсалар, пок бўладилар. Ҳар намозга таҳорат олишлари вожиб эмасдир. Намоз вақти киргандан кейин таҳорат қилиши афзал бўлади. Доимий бетаҳоратлик ҳолатидан ташқари таҳорати синмагунича таҳорат вожиб бўлмайди. Масалан, сийдигини тута олмайдиган киши катта таҳорат ушатса ёки ел чиқарса, таҳорат қилади.

Инсондан чиқадиган нарсаларнинг ҳукми:

Инсондан чиқадиган нарсалар икки турга бўлинади:

Биринчи: Пок нарсалар. Бунга кўз ёши, балғам, тупук, сўлак, тер, маний ва бошқалар киради. Булардан манийдан бошқалари таҳоратни бузмайди. Маний чиқиши эса ғуслни вожиб қилади.

Иккинчи: Нопок (нажас) нарсалар. Бунга ахлат, сийдик, вадий³⁴, мазий³⁵ ҳамда орқа ва олд чиқарув

³⁴ Сийдик йўлидан сийдикдан кейин келадиган рангсиз, дағал суюқлик.

йўлидан чиққан қон киради. Буларнинг бари таҳоратни бузади.

Аёл кишининг фаржидан ажраладиган намликнинг ҳукми:

Аёл кишининг фаржидан ажраладиган намликнинг икки ҳолати бор:

Биринчи: Агар намлик бачадондан чиқадиган бўлса, у пок ҳисобланиб, таҳоратни бузмайди. Кўп ҳолатларда мана шу намлик бўлади.

Иккинчи: Агар сийдик йўлидан чиқадиган бўлса, у нажас ҳисобланиб, таҳорат олишни вожиб қилади. Агар бу намлик мунтазам келиб турадиган бўлса, унинг ҳукми сийдик тута олмаслик ҳукмидай бўлади.

Қон чиқишининг ҳукми:

Инсондан чиқувчи қонларнинг икки тури мавжуд:

Биринчи: Сабилайн — олд ва орқа чиқарув йўлидан чиқувчи қон. Бу таҳоратни бузади.

Иккинчи: Баданнинг қолган: бурун, тиш, жароҳат ва шунга ўхшаш қисмларидан чиқувчи қон. Бу таҳоратни бузмайди. Қоннинг оз ёки кўп чиқишининг фарқи йўқ. Лекин қонни тозалик ва поклик юзасидан ювиб ташлаган яхши.

³⁵ Сийдик йўлидан шаҳват кўзгалганда ажраладиган рангсиз, ёпишқоқ суюқлик.

Уйқу ва команинг ҳукми:

Чуқур уйқу таҳоратни синдиради. Ўтириб, тик туриб, ёки ёнбошлаб мизғимоқ эса таҳоратни синдирмайди. Кома ҳолатига келсак, агар эс-хушини ва сезгисини йўқотмаган енгил кома бўлса, таҳоратни синдирмайди. Касаллик, тутқаноқ ва мастлик каби сезгилар йўқоладиган кома бўлса, у таҳоратни синдиради.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: “Намозга иқомат айтилди, бироқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши билан хуфия суҳбат қиларди. У зот суҳбатларида давом этаверди, ҳатто саҳобалари ухлаб қолишди. Сўнгра келиб, уларга намоз ўқиб бердилар” (Муттафақун алайҳи).³⁶



³⁶ Бухорий (642), Муслим (376) ва бу ҳадис унинг лафзидир.

Маҳсига масҳ тортиш аҳкомлари

Масҳ тортиш: Ўзига хос равишда маҳси (пойабзал)³⁷ устига масҳ тортиш билан Оллоҳга ибодат қилмоқдир.

Маҳси: Оёққа кийиладиган, тўпиқларни ёпиб турадиган ва тери ва шунга ўхшаш нарсалардан қилинган ҳар қандай пойабзал номидир.

Пайпок: Оёққа кийиладиган, тўпиқларни ёпиб турадиган ва пахта ва шунга ўхшаш нарсалардан тикилган ҳар қандай кийим номидир.

Маҳси устига масҳ тортиш ҳукми:

Муғира ибн Шўъба разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтади: “Мен кечаларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга кетаётган эдим. У зот (уловдан ёки пастликка) тушдилар ва таҳорат ушатиб, сўнгра келдилар. Мен ёнимдаги идишдан сув қуйиб турдим, у зот таҳорат олдилар ва маҳси(пойабзал)ларига масҳ тортдилар” (Муттафақун алайҳи)³⁸.

³⁷ Тўпиқларни ёпиб турадиган ҳар қандай пойабзал, араб тилида келган “хуфф” калимасига тўғри келади. Пайғамбаримиз давридаги “хуфф” деб аталган пойабзал совук кунларда кийилган ва ўша билан юрилган, яъни унинг устидан ҳеч нарса кийилмаган. Бизнинг ўлкамиздаги маҳсилар эса, мазкур “хуфф”ни тўлақонли ифодаламайди. (Гаржимон)

³⁸ Бухорий (203), Муслим (274) ва бу ҳадис унинг лафзи.

Масх тортиш муддати:

1- Муқим учун бир кеча-кундуз, мусофир учун уч кеча-кундуз (маҳсиларини ечмаган бўлса) маҳсилари устига масх тортиши мумкин. Масх тортиш муддати (таҳорат билан) маҳсиларни кийгандан кейин, илк масх тортган пайтдан бошланади.

Али ибн Аби Толиб разияллоҳу анху айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳсига масх тортиш муддатини (маҳсини ечмаслик шарти билан) мусофир кишига уч кеча-кундуз, муқим кишига эса бир кеча-кундуз олароқ тайин қилдилар” (Муслим ривояти)³⁹.

2- Ўт ўчирувчилар ва кутқарув хизмати ходимлари сингари оммавий фалокат ва фавкулотдаги ҳолатларда ишловчилар ҳамда хабар элтувчи чопарлар каби мусулмонлар манфаати йўлида юрувчи мусофирларга маҳсини ечиб-кийиш машаққат туғдиргани боис уларга масх тортиш муддати қўйилмайди.

Масх тортиш шартлари:

- Оёқ кийим мубоҳ, покиза бўлиши ва тўпиқларни ёпиб туриши ҳамда таҳорат билан кийилган бўлиши керак;
- Масх тортиш кичик бетаҳоратликдан ва мусофир ва муқим учун яроқли масх тортиш замонида бўлиши керак.

³⁹ Муслим (276).

Маҳсига масҳ тортиш кайфияти:

Масҳ қуйидагича тортилади: икки қўлни сувлаб, ўнг қўли билан ўнг оёғидаги маҳси (ҳар қандай тўпикни ёпиб турувчи пойабзал)ни ёки пайпоқнинг устки қисмини оёқ бармоқлари томондан бошлаб болдирнинг пастки қисмигача бир марта силайди. Оёқнинг остки қисми ва товонга масҳ тортилмайди.

Кейин чап қўли билан чап оёғига мазкур кўринишда масҳ тортади. Масҳ тортишда ўнг оёқ чап оёқдан муқаддам қўйилади.

Кимда-ким таҳоратли ҳолида пайпоқ устидан пайпоқ кийган бўлса, энг устидагига масҳ тортаверади. Борди-ю, устидагисини бетаҳорат пайтида кийган бўлса, остидагига масҳ тортади.

Кимда-ким сафардалик чоғида бир кун маҳсисига масҳ тортган бўлса, кейин шаҳрига қайтса, муқим кишининг бир кеча-кундузлик масҳини том қилиши мумкин. Муқим киши муқимлик чоғида бир кун маҳсисига масҳ тортган бўлса, кейин сафарга чиқса, мусофир кишининг уч кеча ва кундузлик масҳини тўлиқ қилиши мумкин. (Яъни ҳар икки ҳолатда ҳам масҳ муддати янгидан бошланади.)

Маҳсига тортилган масҳни бузувчи нарсалар:

1. Пойабзал оёқдан ечилганда.
2. Жунублик каби ғусул вожиб бўлганда.
3. Масҳ тортиш муддати ниҳоясига етганда.

Таҳоратга келсак, таҳоратни бузувчи нарсалардан бири билангина бузилади. (Яъни масҳ тортилган

маҳсининг ечилиши ёки масҳ муддатининг тугаши таҳоратга таъсир қилмайди.)

Салла ва рўмол устига масҳ тортиш кайфияти:

1- Эркак киши саллага (дўппи ҳам шу жумладан), аёл киши рўмолга эҳтиёж бўлганда масҳ тортиши мумкин, бунга (маҳсига масҳ тортиш муддатига ўхшаш) муайян вақт белгиланмаган.

Салланинг ёки рўмолнинг аксар қисмига масҳ тортилади. Булар таҳорат билан кийилган бўлиши авлодир.

Парик салла ёки аёллар рўмоли ҳукмида бўлиб, таҳоратда унга масҳ тортиш жоиздир. Ғуслда эса ечиш вожибдир. Таҳорат олишда агар машаққат туғдирмаса, парикни ечиб, асл сочга масҳ тортиш вожибдир.

Амр ибн Умайя разияллоху анху ривоят қилиб айтади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг салла ва маҳсиларига масҳ тортаётганини кўрдим” (Бухорий ривояти).⁴⁰

2- Кичик ва катта ҳожат ҳамда уйқу сингари кичик бетаҳоратликда маҳси, пайпоқ, салла ва аёллар рўмолига масҳ тортиш жоиздир. Масҳ муддати дамларида жунуб бўлиб қолса, масҳ тортиш мумкин эмас, чунки бу ҳолатда бутун баданни ювиш шартдир.

⁴⁰ Бухорий (205).

Боғлам устига масҳ тортиш кайфияти:

1- Шина ва боғламлар ечилгунига довур, агарда вақт узайиб кетса ҳам, жунуб бўлиб қолса ҳам, бетаҳорат қўйилган бўлса ҳам, унинг ҳамма томонига масҳ тортиш вожибдир. Агар ҳамма томонига масҳ тортиш имконсиз бўлса, бир қисмига масҳ тортиш кифоя қилади.

2- Жароҳат агар очик бўлса, сув билан ювишлик вожибдир. Агар ювиш зарар берса, сув билан масҳ қилинади, борди-ю, бу ҳам имконсиз бўлса, сув ўрнига таяммум қилади (яъни, сув билан эмас, тупроқ, кум каби ер жинсидан бўлган бирор нарсага қўлини уриб жароҳат устига масҳ тортади).

Агар жароҳат ёпиқ бўлса, устидан сув билан масҳ тортади, борди-ю, бу имконсиз бўлса, таяммум қилади. Мазкур икки ҳолатда ҳам таяммум таҳорат олиб бўлгандан кейин қилинади.



Ғусл ва унинг аҳкомлари

Ғусл — бутун баданни покиза сув билан махсус сифатда ювиш орқали Оллоҳ таолога ибодат қилишдир.

Ғуслни вожиб қиладиган нарсалар:

Ғуслни вожиб-шарт қиладиган нарсалар олтитадир:

Биринчи: Эркак ёки аёлдан истимно ёки жимоъ ёхуд ихтилом⁴¹ сабабли манийнинг лаззат билан отилиб чиқиши.

Иккинчи: Эркаклик жинсий аъзо бошининг фаржга кириши. Бунда агар маний тўқилмаса ҳам ғусл шарт бўлади.

Учинчи: Мусулмон киши вафот этса, ғусл қилдириш вожиб бўлади. Бундан Оллоҳ йўлидаги жиҳодда шаҳид бўлганлар мустасно.

Тўртинчи: Кофир мусулмон бўлганда.

Бешинчи: Ҳайз.

Олтинчи: Нифос.

Абу Ҳурайра разияллоху анҳу ривоят қилиб деди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Агар бир

⁴¹ Истимно — ҳар қандай йўл билан манийни чиқа-риш.
Жимоъ — эр-хотиннинг яқинлик қилиши.
Ихтилом — уйқуда туш кўриб, маний ажралиши.

киши аёлнинг тўрт бўлими (қўл-оёқлари) орасига ўтириб ҳаракат қилса (жимоъдан киноя), шубҳасиз, ғусл вожиб-шарт бўлибди”, дедилар (Муттаfaqун алайҳи).⁴²

Етарли ғусл сифати:

Ғусл қилишга ният қилиб, бутун баданини бир марта ювиш билан ғусл тамомига етади.

Комил ғусл сифати:

Ғусл қилишга ният қилиб, дастлаб қўлларини уч марта ювади, сўнгра жинсий аъзосини ва ифлосланган жойларни ювиб ташлайди. Кейин мукамал таҳорат олади, сўнгра бошига уч марта сув қуйиб, сочларининг тагига қўллари билан сув етказди. Сўнгра ўнг томонидан бошлаб баданининг қолган қисмини бир марта ишкалаб ювади ва сувни исроф қилмайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғуслининг сифати:

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб деди: Холам Маймуна разияллоҳу анҳо менга шуни айтиб берганди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобат сабабли ғусл қилаётганларида ҳузурларида турсам, у зот кафтларини икки ёки уч марта ювиб, қўлларини идишга солдилар ва олатларига сув қуйиб чап қўллари билан ювдилар. Сўнгра чап қўлларини ерга уриб, қаттиқ ишқадилар. Сўнгра намозга таҳорат қилгандек таҳорат олиб, кейин бошларидан кафтлари-

⁴² Бухорий (291) ва бу унинг лафзидир, Муслим (348).

ни тўлдириб уч ҳовуч сув қуйдиларда, сўнгра баданларининг бошқа жойларини ювдилар. Кейин ювинган маконларидан ўзларини четга олиб, оёқларини ювдилар. Мен (артиниш учун) сочиқ олиб борсам, уни олмадилар” (Муттафақун алайҳи).⁴³

Ғуслдан олдин намозга таҳорат олгандек, таҳорат қилиш суннатдир. Агар ғуслдан олдин таҳорат қилмаган, ёки ғусл қилишдан олдин таҳорати бўлган ва таҳорат учун ният қилган бўлса, ғуслдан кейин таҳорат қилиши шарт эмас.

Жунуб⁴⁴ кишига ҳаром бўлган нарсалар:

Намоз ўқиш, Каъбани тавоф қилиш ва масжидда ўтириш.

Оллоҳ таоло айтади: “Эй мўминлар, то гапираётган гапларингизни билмагунигизча, маст ҳолингизда намозга яқин келманглар ва яна сафарда бўлмасангиз то чўмилмагунигизча жунуб ҳолингизда (намозга яқин келманглар)” (Нисо: 43).

Жунуб киши Қуръон ўқиши ва ушлаши жоиздир. Буни таҳорат билан қилиши афзалдир.

Жунуб ҳолатда ухлаш:

1- Жимоъдан кейин ғусл қилиш суннатдир.

Жунуб ҳолатда ухлаш жоиздир. Афзали эса, фаржини ювиб ташлаб, таҳорат қилиб ухлашидир.

⁴³ Бухорий (276) ва Муслим (317), бу унинг лафзидир.

⁴⁴ Ғусл шарт ҳолатдаги киши.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилиб деди: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб ҳолида ухламоқчи бўлсалар, олатини ювар ва намозга таҳорат олгандек таҳорат олардилар” (Муттафақун алайҳи).⁴⁵

2- Эркак киши хотини билан битта идишдан айна пайтда ғул қилиши жоиз. Бир-бирининг авратига кўзи тушишининг зарари йўқ.

Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилиб деди: “Мен ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунублик сабабли битта идишдан ғул қилар эдик” (Муттафақун алайҳи).⁴⁶

3- Такрор жимӯ қилганда ғул қилиш сифати:

Хотини билан жимӯ қилган, сўнгра яна жимӯ қилмоқчи бўлган ёки бошқа хотинларига ҳам бормоқчи бўлган киши икки қўшилишининг орасида ғул қилиши мустаҳабдир. Агар ғул қила олмаса, таҳорат қилади ва бу уни фаоллаштиради.

Битта ёки бир нечта хотини билан икки ёки бир неча марта қўшилишни хоҳлаган киши охирида бир марта ғул қилса, етарли бўлади.

Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларини бир ғул билан айланиб чиқар эдилар (яъни охирида бир марта ғул қилардилар)” (Муттафақун алайҳи).⁴⁷

⁴⁵ Бухорий (288) ва бу унинг лафзидир, Муслим (305).

⁴⁶ Бухорий (263) ва бу унинг лафзидир, Муслим (321).

⁴⁷ Бухорий (268) ва Муслим (309), бу унинг лафзидир.

Мустаҳаб ғусллар:

Мустаҳаб ғусллар жумласига қуйидагилар киради: Ҳаж ёки умрага эҳром боғлаганда, ўликни ювганда, мажнунлик ёки ҳушдан кетган киши ўзига келганда, Маккага кирганда, такрор жимом қилмоқчи бўлса, ҳар жимом ўчун, мушрикни дафн қилганда ғусл қилишлик.

Ғусл аҳкомлари:

1. Ғусл асносида одамлардан тўсилиш вожиб. Агар ҳеч ким бўлмаган ҳаммом ёки шунга ўхшаш жойлар бўлса, ялонғоч ҳолда ғусл қилиш жоиздир. Лекин, ёлғиз бўлсада тўсилиш афзалдир, зеро Оллоҳ одамлардан кўра ҳаё қилинишга ҳақлироқдир.

2. Ҳайз ва жунублик ёки жунублик ва жума каби ҳолатларда битта ғусл етарлидир.

3. Аёл кишининг ғусли эркакники каbidир. Шундан келиб чиқиб, аёл киши жунубликдан ғусл қилганда сочини ёйиши шарт ҳисобланмайди.

4. Ҳайз ва нифос учун ғусл қилиш жунубликдан ғусл қилиш каbidир. Фақат ҳайз ва нифосда сув ва сидр билан ювиниш ва сочларни ёйиб, бошни яхшилаб ишқалаш ҳамда фаржга хушбўй нарса суртиш мустаҳабдир.

5. Шампун ва тук тўқувчи воситалар каби таркибида бир миқдор таом бўлган ҳар қандай тозаловчи воситаларни қўлланиш жоиз. Фақат битта шarti бор, асли таом бўлган нарсалар саноат йўли билан суёқ ва қаттиқ совун каби бошқа шаклга киритилиши керак. Масалан, совуннинг ҳам асли ёғдир.

6. Бир аёл амалиёт йўли билан туғдирилган ва фаржидан қон келмаган бўлса, унга ғусл қилишлик вожиб бўлмайди. Табиий йўл билан туққан аёл эса, поклангандан кейин ғусл қилиши вожибдир.

Ғуслнинг суннатлари:

Ғуслдан олдин таҳорат қилиш, ифлосликларни кетказиш, бошдан уч марта сув қуйиш ва ўнг томондан бошлаш.

Ғусл сувининг миқдори:

1 соъдан 5 мудгача⁴⁸ бўлган сувга ғусл қилиш суннатдир.

Агар камлик қилса, ёки уч соъ ва унда кўпроқ сувга эҳтиёж бўлса, керагича сувни ишлатиш жоиздир. Таҳорат, ғусл ва тозалик учун қўлланиладиган сувни исроф қилиш мумкин эмас.

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир соъдан беш мудгача бўлган сув билан ғусл, бир муд сув билан таҳорат қилар эдилар” (Муттафақун алайҳи).⁴⁹

Ҳожатхоналарда ғусл қилишнинг ҳукми:

Мусулмон киши ҳаммом ва шунга ўхшаш покиза жойларда ғусл қилиши суннат, ҳожатхоналарда ғусл қилиши эса макруҳдир. Чунки ҳожатхоналар ҳожат

⁴⁸ Бир муд — катта кишининг бир ҳовучи қадар ҳажм бўлиб, тақрибан: 628-786 мл. Бир соъ эса тўрт мудга тенг бўлиб, тақрибан: 2,5-3 л.

⁴⁹ Бухорий (263) ва бу унинг лафзидир, Муслим (321).

чиқариладиган маконлар бўлиб, нажосат ўрнидир. Ундай жойларда ғул қилиш васвасага олиб боради. Бир маконга сийиб, кейин нажасланмаслик учун ўша ерда ғул қилинмайди.

Ғул қилгандан кейин маний чиқишининг ҳукми:

Бир киши ғул қилганидан кейин маний шаҳватсиз ва отилмасдан ажралса, қайта ғул қилиши шарт эмас, лекин намоз ўқимокчи бўлса, манийни ювиб ташлаши ва таҳорат олиши шарт бўлади.

Ихтилом ғуслининг ҳукми:

Уйқудан турганда либосида намлик кўрса, учта ҳолат бўлади:

1- Маний эканлиги аниқ бўлса, ғул қилиш вожиб бўлади.

2- Маний эмаслиги аниқ бўлса, сийдик ҳукмида бўлади, нам бўлган жой ювиб ташланади.

3- Ҳолат ноаниқ бўлади. Агар ихтилом бўлгани эсига тушса, ғул вожиб бўлади. Агар эслолмаса, у мазийдир, ҳукми сийдик ҳукмидадир.

Ғул қилолмаган кишининг ҳукми:

Жунуб киши сув тополмаслиги ёки сув ишлатса зарар қилиши туфайли ғул қилиш имконсиз бўлса, таяммум қилади. Сув топилганда ғул қилади ва таяммум билан ўқиган намозларини қайта ўқимади.

Жунуб ҳолидаги аёл киши сув тополмаса, ёки сув ишлатса касал бўлишидан ёки касаллигининг

кучайишидан кўркса, таяммум қилади. Кейин таяммумни вожиб қилган нарсалар кетиши билан ғусл қилади.

Жума куни ғусл қилишнинг ҳукми:

Жума куни ғусл қилиш жума намозига бориш вожиб бўлган ҳар бир мусулмон киши учун суннати муаккададир.

Намозхонларга ва фаришталарга озор берадиган ёқимсиз ҳиди бўлган кишига жума куни ғусл қилиш вожибдир.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилиб деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жума куни ғусл қилиш ҳар бир балоғатга етган кишига вожибдир”, дедилар (Муттафақун алайҳи).⁵⁰



⁵⁰ Бухорий (858) ва бу унинг лафзидир, Муслим (846).

Таяммум аҳкомлари

Таяммум — намоз ва ундан бошқа ибодатларни мувоҳ қилиш ниятида икки қўлни покиза тупроққа уриш ва юз билан қўлларга суртиш орқали Оллоҳ таолога ибодат қилишдир.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менга ўзимдан олдин бирор кишига берилмаган беш нарса берилди: Бир ойлик масофадан (душман қалбига тушувчи) қўрқув билан нусратландим. Ер (юзи) мен учун намозгоҳ ва (сув бўлмаганда) таҳоратга яроқли қилинди, шундай экан, умматимдан бирор киши қаерда бўлса ҳам намоз вақти кирганда (ўша ерда) намоз ўқийверсин. Менга ўлжалар ҳалол қилинди, ҳолбуки мендан олдин бирор кишига ҳалол қилинмаган эди. Менга шафоат қилишлик берилди. (Мендан олдинги) Пайғамбарлар фақат қавмига пайғамбар қилинар, мен эса барча одамларга пайғамбар қилиб юборилдим”, дедилар (Муттафақун алайҳи).⁵¹

Таяммумнинг ҳукми:

Таяммум сув йўқлиги ёки сув қўлланса зарар бўлиши ёки сувни ишлата олмаслик ёхуд сувни сотиб ололмаслик каби сувни ишлатиш имкони бўлмаган ҳолатларда кичик ва катта бетаҳоратликни қўтаради.

⁵¹ Бухорий (335) ва бу унинг лафзидир, Муслим (521).

Оллоҳ таоло деди: “Агар бемор ё мусофир бўлсангизлар, ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва (мазкур ҳолатларда) сув топа олмасангиз, покиза тупроққа таяммум қилингиз — юзингиз ва қўлларингизни (покиза тупроқ) билан силангиз. Оллоҳ сизларни бирон танглик-машаққатга солмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди. Шояд шукр қилсаларингиз” (Моида: 6).

Таяммум қилиш жоиз бўлган нарсалар:

Ер юзидаги ҳар қандай пок нарса: тупроқ, қум, тош, ҳўл ёки куруқ лойга таяммум қилиш жоиздир.

Таяммумнинг сифати:

Дастлаб таяммум учун ният қилади, сўнгра қўлларини бир марта ерга уради ва чанг-ғуборни камайтириш мақсадида қўлларига уфлайди, сўнгра қўллари билан юзини, кейин кафтларини силайди, чап қўлининг ички томони билан ўнг кафтининг ташқи томонини, сўнгра ўнг қўлининг ички томони билан чап кафтининг ташқи томонини силайди.

Баъзан биринчи қўлларини, кейин юзини силайди. Суннатни ихё қилиш учун гоҳида биринчи, гоҳида иккинчи суратда таяммум қилади.

Абдурраҳмон ибн Абзо отасидан ривоят қилади: “Умар ибн Хаттоб ҳузурларига бир киши келиб: “Мен жунуб бўлиб қолиб сув топа олмадим”, деди. Шунда Аммор ибн Ёсир Умар ибн Хаттобга қараб:

“Эслайсизми, икковимиз сафарда эдик. Ўшанда (жунуб эдик ва) сиз намоз ўқимадингиз, мен эсам тупроққа юмалаб олиб, кейин намоз ўқидим. Кейин бунди Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдим. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки кафтларини ерга уриб, пуфлаб ташладилар, сўнг икки кафтларини аввал юзларига, кейин икки қўлларига суртдиларда: “Мана шундай қилсанг, кифоя эди”, дедилар”, деди (Муттафақун алайҳи).⁵²

Таяммумнинг сифати ҳақида Аммор разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда шундай келган: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мана бундай қилсанг ҳам етарли бўлур эди”, деб қўлларини ерга бир урдилар, кейин қоқиб ташладилар, сўнг ўнг қўлларининг кафти билан чап қўлларини, чап қўлларининг кафти билан ўнг қўлларини силадилар. Ундан кейин эса иккала кафтларини юзларига суртдилар” (Муттафақун алайҳи).⁵³

Таяммум нималарни кўтаради?

Агар катта ва кичик ҳожат ушатмоқ, ихтилом ва жунуб бўлмоқ, ҳайз ва нифос каби катта ва кичик бетаҳоратликлардан покланиш мақсадида таяммумни ният қилса, таяммум буларнинг ҳаммасини кетказишга етарли бўлади.

Таяммуми бўлган киши худди таҳорати бўлган киши сингари намоз ўқиши, тавоф қилиши ва шунга ўхшаш ибодатларни қилиши мувоҳ ва машруъдир.

⁵² Бухорий (338) ва бу унинг лафзидир, Муслим (368).

⁵³ Бухорий (347) ва бу унинг лафзидир, Муслим (433).

Таяммумни бузувчи нарсалар:

Қуйидаги нарсалар таяммумни бузади: сув топилиши, бетоблик ёки муҳтожлик каби узрларнинг барҳам топиши, юқорида (таҳорат аҳкомларида) зикр қилинган таҳоратни бузувчи нарсалардан бири.

Таяммум машруъ бўлган нарсалар:

1- Кичик ва катта бетаҳоратликдан покланишда таяммум қилиш жоиз. Бироқ баданга ёки кийимга теккан нажосатни поклашда таяммумнинг ўрни йўқдир. Бунда нажосатни кетказиш керак, агар кетказиш имконсиз бўлса, ўша ҳолатда намоз ўқиладир.

2- Сув тополмаган, таяммум ҳам қила олмаган, ёки бу икки покловчини қўлланиш имконсиз бўлганда, ўша ҳолида бетаҳорат ва бетаяммум намоз ўқийверади ҳамда имкон топганда намозини қайта ўқимади.

3- Бир киши жароҳатланса ва сув тегиши зарар қиладиган бўлса, ғусл қилганда жароҳатнинг устига масҳ тортиб, баданининг қолган жойларини ювади. Агар сув билан масҳ тортиш ҳам зарар қиладиган бўлса, жароҳати устига таяммум қилиб, баданининг қолган жойини ювади. Бунда таяммум таҳорат қилиб бўлгандан кейин қилинади.

4- Таяммумли киши намоз ўқиётганида сув топилиб қолса, таяммуми бузилади. Шунга кўра намозини тўхтатиб, таҳорат олади ва намозини қайтадан ўқийди. Борди-ю намозни ўқиб бўлгандан кейин сув топилиб қолса, ўқиган намози дурустдир, уни қайта ўқимади.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу ривоят қилиб деди: “Икки киши сафарга чиқишди ва намоз вақти кирди, бироқ уларда сув йўқ эди. Шунда улар покиза тупроққа таяммум қилиб намоз ўқидилар. Маълум вақтдан кейин сув топдилар, шунда улардан бири таҳорат қилиб, намозни қайта ўқиб олди, наригиси эса намозни қайта ўқимади. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнига келдилар ва бўлган воқеани айтдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозини қайтариб ўқимаган кишига: “Суннатни топибсан ва сенга (таяммум билан ўқиган) намозинг етарлидир”, дедилар. Таҳорат қилиб, намозини қайта ўқиган кишига: “Сенга икки марта ажр бордир”, дедилар (Абу Довуд ва Насоий ривояти).⁵⁴



⁵⁴ Абу Довуд (338) ва бу унинг лафзи, Насоий (433).

Ҳайз ва нифос аҳкомлари

Ҳайз — маълум вақтларда аёл кишининг бачадонидан ажралиб, фаржидан чиқадиган табиий қондир.

Ҳайз қонининг асли:

Оллоҳ таоло ҳайз қонини она қорнидаги ҳомилага озуқа бўлиши учун яратди. Шунинг учун ҳомиладор аёл нодир ҳолатдагина ҳайз кўради. Бола туғилгандан кейин Оллоҳ таоло ҳайзни кўкрақдан келадиган сутга алмаштирди, мана шунинг учун ҳам эмизикли аёлнинг ҳайз кўриши нодирдир. Вақтики, аёл киши ҳомиладорлик ва эмизикли даврдан чиқаркан, ҳайз бачадонда туриб қолади, сўнгра ҳар ой олти ёки етти кун ҳайз кўради. Бу ҳайз қони нажас ҳисобланади.

Ҳайз муддати:

Одатда ҳайз кўриш муддати олти ёки етти кун бўлса, поклик замони йигирма уч ёки йигирма тўрт кундир. Ҳайзнинг ками, кўпи, бошланиши ва тугашининг чегараланган муддати йўқ, поклик кунлариники ҳам шундай. Айрим аёлларда ҳайзли кунлари поклик кунларидан кўпроқ бўлса, айримлариники камроқ бўлади. Баъзиларида икки-уч ойда бир ҳайз келса, баъзиларида йилда бир марта келади.

Нифос — туғриқ асносида ёки бола туғишидан олдинроқ ёхуд кейинроқ аёл кишининг фаржидан чиқадиган қондир.

Нифос муддати:

Кўпинча нифос муддати қирқ кун бўлади. Агар бундан олдин покланса, ғул қилиб намозини ўқийди, рўзасини тутади ва эри билан бирга бўлиши мумкин. Борди-ю олтмиш кунга чўзилса ҳам бу нифос ҳисобланаверади. Лекин фасод қони (касаллик сабабли, бузилган қон) бўлиб давом этса, унда бир марта ғул қилиб, кейин ҳар бир намоз учун таҳорат олиши мустаҳаб бўлади. Пок бўлишлик талаб қилинган бошқа ибодатларни ҳам адо қилаверади.

Ҳомиладор аёлдан келган қоннинг ҳукми:

Агар ҳомиладор аёлдан қизил рангдаги кўп миқдорда қон келса, боласи тушмаган бўлса, бу фасод қони деб эътибор қилинади ва намозини ўқийверади, лекин ҳар намозга янги таҳорат олиб ўқийди. Борди-ю ўз вақтида, ойида ва ҳолатида келган одатий ҳайз қони бўлса, у ҳайз деб эътибор қилинади ва у сабабли намозни ҳам, рўзани ҳам ва бошқа поклик шарт қилинган ишларни ҳам тарк қилади.

Ҳайзли ва нифосли аёлларга ҳаром бўлган нарсалар:

Ҳайзли ва нифосли аёлларга то покланиб, ғул қилмагунларича намоз ўқиш, рўза тутиш, Байтул Ҳаромни тавоф қилиш, эри билан қўшилишлари ҳаромдир.

Ҳайзни тўхтатувчи нарсаларни истеъмол қилишнинг ҳукми:

Аёл киши эҳтиёж туғилганда зарар қилмаслик шарти билан ҳайзни тўхтатувчи нарсаларни истеъмол қилиши жоиздир. Ҳайз келмай тургани учун пок ҳисобланади, рўза тутиб, намоз ўқийверади ҳамда пок аёл қилиши мумкин бўлган ишларни қилаверади.

Ҳайзли аёлнинг покланиш аломати:

Ҳайз тўхтагач, оппоқ суюқликни (ажралмани) кўрса, покланган ҳисобланади. Бу оқ суюқликни кўрмаганлар пок бўлганларини қуйидагича биладилар: ҳайз кўрадиган жойга оппоқ пахтани киргизиб қўяди, агар пахтанинг ранги ўзгармасдан чикса, демак покланибди.

Сариқ ва хира ажралманинг ҳукми:

Ҳайз кунларидаги сариқ ва хира ажралма ҳайздир. Агар уларни одат кунларидан олдин ёки кейин кўрса, у ҳайз эмас, намоз ўқиб, рўза тутаверади, эри билан қўшилиши мумкиндир. Ҳайз кунларида кўрилган сариқ ва хира ажралмалар аёллардаги ғолиб одат кунларидан ўтиб кетса, ғусл қилиб пок аёллар каби намоз ўқийверади.

Намоз вақти киргандан кейин ҳайз кўрган, ёки намоз вақти чиқмасдан олдин покланган аёлга ўша намозни ўқимоғи фарздир. Нифос ҳам худди шундай.

Ҳайзли аёл билан мубошара қилиш ҳукми:

Эркак киши ҳайзли хотини билан билвосита, яъни лозими устидан яқинлик қилиши жоиз. Маймуна

разияллоҳу анҳо ривоят қилиб деди: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайзли бўлган аёлларига лозими устидан мубошара (яқинлик) қилар эдилар” (Муттафақун алайҳи).⁵⁵

Ҳайзли аёлга яқинлик қилиш ҳукми:

1. Ҳайзли аёлга бевосита яқинлик қилиш худди аёл кишининг орқа авратига яқинлик қилиш каби харомдир. Оллоҳ таоло деди: “Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четлангингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Оллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Оллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни яхши кўради” (Бақара: 222).

2. Ҳайзли аёл ҳайз қони тўхтаб, покланмагунича, яъни ғусл қилмагунича унга яқинлик қилиш ножоиздир. Ким ҳайздан ғусл қилмасидан олдин яқинлик қилса, гуноҳкор бўлади.

3. Агар эр хотинига ҳайз кўраётганини билатуриб, қасдан, ўз ихтиёри билан яқинлик қилса, у гуноҳкор, тажовузкор ва золим ҳисобланади. Унга истиғфор айтиб, тавба қилиши вожиб бўлади, шунингдек аёлига ҳам.

Истиҳоза қони — одатдан ташқари ҳолатларда қон келиб туриши.

⁵⁵ Бухорий (303) ва Муслим (294) ва бу ҳадис унинг лафзи.

Ҳайз ва истиҳоза қони ўртасидаги фарк:

1. Ҳайз; бачадон тубидаги озир деган томирлардан оқиб чиқувчи қон бўлиб, қорамтир рангли, қуюқ, дағал, ёқимсиз сассиқ ҳидли ва ташқарида ивиб-қотиб қолмайдиган қондир.

2. Истиҳоза; бачадоннинг пастроғидаги озил деган томирлардан оқиб чиқувчи қон бўлиб, алвон рангли, дағал ва сассиқ бўлмаган, ташқарида ивиб-қотиб қоладиган қондир. У оддий томир қони бўлгани учун ивиб қолади.

Ҳайз, нифос ва истиҳозали аёлнинг ғусл қилиш кайфияти:

Ҳайзли ва нифосли аёл қондан покланганда жунубликда ғусл қилгандай ғусл қилади. Фақат ҳайзли ва нифосли аёлга соч ўрамини ечиши, сув ва сидр билан ғусл қилиб, бошини яхшилаб ишқалаши ва фаржини атирли мато билан артиши мустаҳабдир.

Истиҳозали аёл эса, ҳайз кетидан бир марта ғусл қилади ва фаржига бир парча мато ёки шунга ўхшаш нарсга кўйиб олади. Унга ҳар намоз учун янги таҳорат олиши шарт эмас, балки мустаҳабдир.

Истиҳозали аёлнинг ҳолатлари:

Истиҳозали аёлнинг тўрт ҳолати бор, улар:

1. Унга ҳайз кунлари маълум бўлиши. Ўша кунларда намоз ўқимай туради, кейин ғусл қилиб намоз ўқийверади.

2. Унга ҳайз кунлари номаълум бўлиши. У олти ёки етти кун намоз ўқимай туради, чунки ҳайзнинг

ғолиб муддати шундай. Кейин ғусл қилиб намоз ўқийверади.

3. Унга ҳайз кунлари номаълум, лекин қорамтир рангли ҳайз қонини бошқа қонлардан ажрата олади. Билинган ҳайз қони тугагач, ғусл қилиб намоз ўқийверади.

4. Унга ҳайз кунлари номаълум, ҳайз қонини ҳам ажрата олмайди. У олти ёки етти кун намоз ўқимай туради, кейин ғусл қилиб намоз ўқийверади. Уни янги бошловчи дейилади.

Ҳайз кўриши бузилган аёлнинг ҳукми:

Кимнинг ҳайз кўриши бузилиб, бир ойда бир неча марта келса ва у бунинг ҳайз қони эканига ишончи комил бўлса, у ҳайз ҳисобланади. Агар унинг ҳайз қони эканига ишончи комил бўлмаса, унда у фасод қони ҳисобланади ва бир марта ғусл қилиб, намозини ўқийверади ва эри билан қўшилаверади.

Аёл кишидан чиқадиган нарсаларнинг ҳукми:

1. Аёл кишидан нутфа (40 кунлик уруғланган тухум хужайра) тушадиган бўлса, у ҳайз ҳам, нифос ҳам ҳисобланмайди. Агар тўрт ойлик ҳомила тушадиган бўлса, у нифос ҳисобланади. Агар шаклга кирмаган бир парча эт ёки лахта қон тушадиган бўлса, агар унинг ортидан қон келса ҳам у нифос эмас.

Агар шаклга кирган, яъни уч ой тўлган ва унинг бола экани аниқ бўлса, у нифосдир. Агар бош, қўл, оёқ ва шунга ўхшаган инсон хилқатидаги шаклланган

нарса тушса, у нифосдир ва нифос аҳкомларига тобедир.

2. Ҳомила бўлмаслик мақсадида спирал кўйдирган аёлдан ҳайз қони тугагандан ва покликни кўргандан кейин ҳам қон келса, бу спиралда қолган қолдик, ҳайз эмас деб эътибор қилинади.

Истиҳозали аёл қиладиган нарсалар:

Истиҳозали аёл фарз намозларини ўқиши, рамазон рўзасини тутиши вожиб. Шунингдек ҳар ой одат кунлари миқдорича намоз ўқимай туриши вожибдир.

Унга бошқалар қатори нафл намозлар ўқиши, нафл рўзалар тутиши, Байтуллоҳни тавоф қилиши, эри билан бирга бўлиши ва бошқалар суннатдир.

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Фотима бинти Хубайш разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Мен ҳеч покланмасдан ҳайз кўраман, намоз ўқимай турайми?” деб сўради. Шунда у зот: “Йўқ, чунки у томирдан келаётган қондир. Бироқ сен ҳайз бўладиган кунларинг қадар вақт намоз ўқимай тур, сўнгра ғусл қил ва намоз ўқи”, дедилар (Муттафақун алайҳи).⁵⁶

⁵⁶ Бухорий (325) ва бу ҳадис унинг лафзи, Муслим (333).

